

АҲОЛИ, АВТОМОБИЛЛАР ВА ЙЎЛ ТРАНСПОРТ ҲОДИСАЛАРИНИНГ ИНСОН САЛОМАТЛИГИГА ТАЪСИРИ

Жуманиёзов К.Й., тиббиёт
фанлари номзоди, доцент,
Олимова М.М., даволаш
факультети 4 курс талабаси
Тошкент тиббиёт академиси
Урганч филиали, Урганч шаҳри,
Хоразм вилояти, kuvondik66@mail.ru

Аннотация: 2009-2022 йилларда Ўзбекистоннинг аҳолиси, автомобиллар, йўл транспорт ҳодисалари солиштирма тарзда ўрганилди. 2022 йилда Ўзбекистон аҳолиси, 2009 йилгидан 1,3, аҳолини автомобиллар билан таъминланиши 2,2 баробар ошган. Аммо статистик таҳлилларга кўра 14 йил давомида йўл транспорт ҳодисаларининг сони динамикада деярлик бир хилда сақланмоқда. Шунингдек Ўзбекистонда йўл транспорт ҳодисаларидан жароҳатланиш Россия Федерациясига нисбатан 3-6 баробарга, ўлим кўрсаткичи эса 2-3 баробар кам эканлигини аниқланди.

Калит сўзлар: аҳоли, автомобил, автоавария, жароҳат, ўлим, йўл ҳаракати, иқтисодий ҳамкорлик, йўл ҳаракати хавфсизлиги.

Марказий Осиё регионал иқтисодий ҳамкорлик йўл ҳаракати хавфсизлиги Стратегиясининг асосий вазифаси 2030 йилгача автоавариялардан ўлим ҳолатларини 2010 йилдагига нисбатан 50%га қисқартиришдан иборатдир. Бу йилига 250 000 та хавфли жароҳатланишларни олдини олишга, ҳамда 23 000 нафар инсонни ҳаётини сақлаб қолишга сабаб бўлади. Бу эса регионда жароҳатланиш ва ўлимдан йилига 16 миллиард америка долларини иқтисод қилишга олиб келади (1).

Россияда йўл транспорт ҳодисалари эрта ўлим туфайли аҳоли йўқотилишининг муҳим манбаси ҳисобланади. ЙТҲ бу 2013 йилда 26 977 нафар инсонларнинг эрта ўлими ҳамда жамият саломатлигининг асосий кўрсаткичидир. Автоавариялар туфайли олинган жароҳатлар ёш навқирон

меҳнат ёшидаги инсонлар ўлимига олиб келмоқда. Бундан ташқари ҳар йили 250 000 дан ортиқ инсонлар жиддий жароҳат олиб, касалхоналарда даволанмоқдалар. Бу соғлиқни сақлаш тизимига ҳам барча томондан жиддий зарар етказди (2).

Шаҳар ва қишлоқларни автотранспортлар, айниқса енгил автомобиллар билан тўлиб бораётгани кўчаларнинг ҳаддан зиёд тирбандлигига, транспортлар тезлигининг пасайишига, йўл ҳаракати хавфсизлиги шароитининг ёмонлашувига олиб келади (3).

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра автокатастрофлардан ўлим 2000-2020 йиллар давомида асосан ривожланаётган мамлакатлар ҳисобига 65%гача ошган [4,10]. Бугунги кунга келиб автокатастрофлардан тиббий ва иқтисодий зарар турли мамлакатларда ялпи ички маҳсулотнинг 1-3% ташкил қилади (умумий зарар йилига ўрта ҳисобда 518 миллиард долларни ташкил этади) [5,12].

Россияда кунига автотранспорт аварияси туфайли 60-80 нафар инсон ҳаётдан кўз юмади. 2011 йилда Ўзбекистонда 10 611 йўл транспорт ҳодисаси ва у туфайли 2 161 ўлим ва 11 228 нафар жароҳатланиш кузатилган. Таъкидлаш жойизки, шу йили Ўзбекистонда ҳайдовчилар томонидан 3 896 000 та йўл ҳаракати қондаси бузилган бўлиб, улардан 1 588 000 таси жиддий қоида бузилишларидир [6,7,8]. Йўл транспорт ҳодисалари асосан ҳафтанинг жума, шанба кунлари кўп учрамоқда, аммо йўл транспорт ҳодисалари учун якшанба ва душанба кунлари ҳам анча оғир кунлар ҳисобланади. 2016 йилнинг 10 ойи давомида 58 885 та йўл транспорт ҳодисалари ҳисобга олинган, қайсики ундан 6 932 нафар инсон ҳаётдан кўз юмган бўлса, 90 314 нафар инсон жиддий жароҳатланган [5,12].

Автоавариялардан йилига 4000 та, 4200 та одам авариядан ҳаётдан кўз юмапти. Шунча одам ўлиб кетяпти, ижтимоий тармоқларга қараб бўлмайти. Масъулларнинг фаолиятига депутатлар ҳам бефарқ бўлмаслиги керак. Хитой пойтахти Пекин ва Россия пойтахти Москвадек йирик шаҳарларда тирбандлик деярли кузатилмайди. Жамоат транспортини ривожлантириш,

светофорлар ва йўл чизикларини ўрнатиш, тирбандликнинг олдини олиш, пойтахт кўчалари ва ҳудудлардаги йўللарни тартибга солиш бўйича қатъий чоралар кўриб, жиддий ўзгаришларни амалга ошириш зарур (13).

2011-2022 йиллар давомида Ўзбекистон Республикаси йўл транспорт ҳодисалари бўйича ижтимоий тармоқ келтирилган маълумотларидан фойдаланилди. Олинган маълумотларни статистик таҳлил қилишда ижтимоий-гигиеник ва санитария статистик усуллардан кенг фойдаланилди.

Жадвал


2009-2022 йилларда Ўзбекистонда содир бўлган йўл транспорт ҳодисалари солиштирма жадвали (абсолют сонда)

Йиллар	Аҳоли сони	Автомобиллар сони	ЙТХ сони
2009	27 533 400	1 535 840	10 760
2010	28 001 400	1 580 112	10 705
2011	29 123 400	1 690 918	10 611
2012	29 555 400	1 728 867	10 309
2013	29 993 500	1 840 012	10 245
2014	30 492 800	1 946 130	10 200
2015	31 022 500	2 109 185	10 164
2016	31 575 300	2 191 231	10 212
2017	32 120 500	2 133 507	10 044
2018	32 656 700	2 272 185	8 990
2019	33 255 500	2 410 421	8 588
2020	34 200 000	2 767 126	6 982
2021	34 900 000	3 051 734	10 001
2022	36 024 946	3 396 520	9 902

Аҳоли сонини ўзгариши бўйича 2009-2022 йиллар давомидаги 14 йиллик маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики Ўзбекистонда аҳоли сони 2009 йилда 27 533 400 нафарни ташкил этган бўлса, 2022 йилда Ўзбекистон аҳолиси сони 36 024 946 нафарга етган. Ўзбекистоннинг аҳоли сони 14 йил давомида 23,6% га ошган. Таъкидлаш мумкинки, 2009-2022 йиллар давомида Ўзбекистон аҳолиси деярлик бир хил тарзда, йил сайин ўсиб бориши аниқланди

Ўзбекистонда жами автомобиллар сонини йил сайин абсолют қийматларда 2009 йилдан 2022 йилгача ортиб борган. 2009 йилда 27 533 400


нафар аҳолига эга бўлган мамлакатимизда жами автомобиллар сони 1 535 840 тани ташкил қилиб, ҳар 18 нафар аҳолига битта автомобил тўғри келишини кўрсатади. 2022 йилда Ўзбекистон аҳолиси 36 024 946 нафарга етган, шу билан бирга ватанимиз аҳолисининг автомобиллар сони 3 396 520 тани ташкил қилган ва у энди ҳар 3,1 аҳолига битта автомобил тўғри келишини кўрсатади (1-расм). Бундан кўриниб турибдики Ўзбекистонда кейинги йилларда автомобил саноати тез суръатлар билан ривожланиб борганини кўриш мумкин. Чунончи Ўзбекистонда 2009 йилда ҳар 18 нафар аҳолига битта автомобил тўғри келган бўлса, 2022 йилга келиб эса аҳолини автомобиллар билан таъминланиш кўрсаткичи ҳар 3,1 нафар аҳолига битта автомобил тўғри келишини кўрсатди (жадвалга қаранг).



1 – расм. Ўзбекистонда 2009-2022 йиллар давомида автомобиллар сони

Таҳлилларимизнинг кейинги босқичи иккала мамлакатда кузатув йиллари давомида содир бўлган йўл транспорт ҳодисаларига (ЙТХ) бағишланди.

Ўзбекистонда йўл транспорт ҳодисалари 2009 йилдан то 2017 йилгача ҳар йилда деярлик бир хилда 10044 тадан – 10760 та сонгача учраган. 2018 йилдан бошлаб йўл транспорт ҳодисаларининг сони камайиб борган. 2018 йилда 8990 та, 2019 йилда 8588 та, 2020 йилда 6982 та, 2021 йилда эса 10001 та ва 2022 йилда 9902 та йўл транспорт ҳодисаси кузатилган. Бу ҳолат 2018 йилдан бошлаб ҳайдовчиларнинг хушёрлиги бироз ошиши ҳамда мамлакатимизда содир бўлган Covid-19 пандемияси сабабли содир бўлган бўлиши мумкин (2-расм).



2 – расм. Ўзбекистонда 2009-2022 йиллар давомида ЙТХ сони
 2009 йилда Ўзбекистон аҳолиси 27533400 нафар ташкил қилган ва шу йили 10760 та ЙТХ содир этилган бўлиб, ҳар 2559 нафар инсонларнинг биттасида ЙТХ содир бўлганини кўрсатади. Бу кўрсаткич 2010 йили 2616 нафар, 2011 йили 2745 нафар, 2012 йили 2867 нафар, 2013 йили 2928 нафар, 2014 йили 2989 нафар, 2015 йили 3052 нафар, 2016 йили 3092 нафар, 2017 йили 3198 нафар, 2018 йили 3633 нафар, 2019 йили 3872 нафар, 2020 йили 4898 нафар, 2021 йили 3490 нафар, 2022 йили 3638 нафар аҳолининг биттаси ЙТХга учраганини кўрсатади.

Хулосалар

1. Ўзбекистоннинг аҳоли сони 14 йил давомида 23,6% га ошган.
2. 2009 йил Ўзбекистон аҳолиси автомобиллар билан таъминланиш 18 нафар аҳолига битта автомобил тўғри келган бўлса, 2022 йилга келиб унинг таъминланиш даражаси ҳар 3,1 нафар аҳолига биттадан тўғри келишини кўриш мумкин.
3. Ўзбекистонда эса йўл транспорт ҳодисалари 2009 йилдан то 2017 йилгача ҳар йилда деярлик бир хилда учраган. 2018 йилдан бошлаб йўл транспорт ҳодисаларининг сони камайиб борган. Кейинги йилларда уларнинг сонини ошиш тенденцияси кузатилмоқда.

Иқтибослар:

1. Региональная стратегия безопасности дорожного движения для стран ЦАРЭС (2017-2030 годы) Central Asia Regional Economic Cooperation Program. Carec Secretariat. С. 74. www.carecprogram.org.
2. Т. Фаттахов. Источники информации о ДТП и учет дорожно-транспортного травматизма в России// демографическое обозрение. Том 1, №3, 2014. С.127-143.
3. Ж. Абдуназаров. Показатель аварийности и анализ существующих проблем обеспечения безопасности. Scientific – technical journal. 2021, V.4, №4 pp 44-52
4. Сахаров А.В. Медико-социальные аспекты дорожно-транспортного травматизма/ Автореферат дисс. к.м.н., Санкт-Петербург, 2011.-18с Дедов А.А Структура детского дорожно-транспортного травматизма в Воронежской области// Вестник новых медицинских технологий, т. XVIII, №2/ под ред.А.А.Хадарцева.-2011.-С.513-515.
5. Kurbanova N.N. et al. The effect of new plant hepatoprotectors on the level of proinflammatory cytokines in acute toxic liver damage. //International Journal of Psychosocial Rehabilitation. – Vol. 24, Issue 08, 2020. – Page. 8910-8920.
6. Navruzovna K. N. et al. Biochemical changes in hepatocyte subcellular fractions in experimental ischemic stroke //Вестник науки и образования. – 2019. – №. 7-2 (61). – С. 57-59. ООО «Олимп».
7. Navruzovna K. N. et al. Generation of reactive oxygen species in the mitochondrial fraction of hepatocytes in the early stages of experimental ischemic stroke //Вестник науки и образования. – 2019. – №. 7-2 (61). – С. 60-62. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/generation-of-reactive-oxygen-species-in-the-mitochondrial-fraction-of-hepatocytes>.
8. Jumaniyazov K.Y., Bakhtiyarova A.M., Kurbanova N.N. Peculiarities of distribution of traffic accidents in Khorezm region by population and age// International Scientific-Practical Conference.Chexiya. P.13-15.
9. Jumaniyazov K.Y., Bakhtiyarova A.M., Kurbanova N.N. deaths and injuries as a result of road accidents and the role of cardiovascular diseases in them//International Scientific and Practical Conference.Polcha. P.34-37.
8. Jumaniyazov K.Y., Bakhtiyarova A.M., Kurbanova N.N. Peculiarities of Distribution of Traffic Accidents in Khorezm Region by Population and Age American Journal of Medicine and Medical Sciences 2023, 13(7): 1020-1025 DOI: 10.5923/j.ajmms.20231307.37
10. Jumaniyazov K.Y., Bakhtiyarova A.M., Ismoilova V.P.//European Chemical Bulletin 2023, 12(Issue 8), 2055-2062.
11. Олимова М.М, Жуманиёзов К.Й. Травма и смертность при автокатастрофах сборник статей XXIX Международного научно-исследовательского конкурса, Состоявшегося 5 ноября 2023г. в г. Пенза. С.189-195.
12. Абдуллаев И.К., Жуманиёзов К.Й., Олимова М.М. Динамика дорожно-транспортных происшествий, травматизма и смертности от ДТП за период 2017-2021 гг. Окружающая среда и здоровье населения. Материалы XXXIV

Всероссийской научно-практической конференции с международным участием 15 декабря 2023 г. Казань- 2023. С.6-7.
13. <https://www.facebook.com/watch/?v=700516051971683>